

sug'urta mahsulotlariga talabni shakllantirishda mazkur omillar muhim ekanini bildiradi.

Shuningdek, tahlil davomida sug'urta savodxonligining o'lchovlari orasida eng ko'p uchraydigan mezonlar sifatida tushunish, bilim va ko'nikmalar, qaror qabul qilish, resurslarni boshqarish, sug'urta xulq-atvori va sug'urta munosabati ajralib chiqdi. Ushbu holat sug'urta savodxonligini baholash metodologiyasini ishlab chiqishda ko'p o'lchovli yondashuv zarurligini ko'rsatadi. Boshqacha aytganda, sug'urta savodxonligini faqat test savollari orqali nazariy bilim darajasi bilan o'lchash yetarli emas; uni shaxsning amaliy tanlovi, riskka munosabati, sug'urta mahsulotlarini qabul qilishi va ulardan foydalanish xulqi bilan birgalikda baholash lozim.

Olingan natijalar asosida quyidagi ilmiy xulosa shakllantirildi, sug'urta savodxonligi - bu shaxsning sug'urta va riskga oid bilimlari, mazkur bilimlarni amaliy vaziyatlarda qo'llash ko'nikmasi, sug'urta mahsulotlarini tanlash va baholash qobiliyati, shuningdek uzoq muddatli moliyaviy himoyani ta'minlashga qaratilgan ongli qarorlar qabul qilish salohiyatini ifodalovchi kompleks ijtimoiy-iqtisodiy kategoriyadir. Mazkur natija sug'urta savodxonligini aholining moliyaviy xavfsizligini mustahkamlash, sug'urta bozorining institutsional rivojlanishini jadallashtirish va risklarni boshqarish madaniyatini shakllantirishning muhim omili sifatida baholash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. *O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 23-noyabrdagi O'RQ-730-son Qonuni "Sug'urta faoliyati to'g'risida".*
2. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida".*
3. *Sobirov, I.X., Ruzibayeva, N.X. Sug'urta ishi: darslik. Samarqand: SamISI, STAP-SEL, 2022.*
4. *Shennayev, X.M. O'zbekiston sug'urta bozori. Toshkent: Iqtisod-moliya. Bibliografik yozuv elektron kutubxona katalogida tasdiqlangan.*
5. *Atkinson, A., Messy, F.-A. Measuring Financial Literacy: Results of the OECD INFE Pilot Study. Paris: OECD, 2012.*
6. *Allodi, E., Cervellati, E.M., Stella, G.P. A New Proposal to Define Insurance Literacy: Paving the Path Ahead // Risk Governance and Control: Financial Markets & Institutions. 2020. Vol. 10, No. 4. P. 22–32.*

ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Раҳимов Санжар Абдулаҳодович,

СамДВМЧБУ, и.ф.б.ф.д. (PhD) катта ўқитувчи

Диярова Маҳлиё Исламовна,

СамДВМЧБУ, и.ф.б.ф.д. (PhD) катта ўқитувчи

Қурилиш фирмаларини самарали бошқариш жараёнида молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, пул оқимларини назорат қилиш, режалаштириш технологияларини жорий этиш ҳамда рағбатлантириш механизмларини қўллаш бугунги шароитда муҳим аҳамиятга эга. Бунда ягона ахборот майдони асосида ташкил этилган бошқарув тизими қурилиш фирмаларининг ривожланиш стратегиясини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз раҳбари томонидан

берилаётган имкониятлар жумладан, субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва кредит преференциялари каби иқтисодий рағбатлантириш воситалари қурилиш соҳасининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу омилларни чуқур таҳлил қилиш қурилиш фирмаларининг молиявий бошқарув тизимини янада такомиллаштириш имконини беради.

Қурилишни бошқариш сиёсати доирасида чора-тадбирларни амалга оширишнинг вақтинчалик (индивидуал) ёндашувларини миқдорий ва назарий баҳолаш тизимли ўсишнинг сифат кўрсаткичлари динамикасини аниқроқ прогноз қилиш, бошқарув сиёсатининг қийматини аниқлашда оптимал йўналишларни белгилаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ички ва ташқи омилларига самаралироқ жавоб бериш имконини яратади.

Иқтисодий адабиётда қурилишни бошқариш сиёсатининг иқтисодийётга кенг маънода ёки тўғридан-тўғри қурилиш корхоналарига таъсир кўрсатувчи сегмент омиллари бўйича турли нуқтаи назарлар мавжуд. Бироқ, бу соҳада ҳам, ижтимоий аҳамиятга эга уй-жой қурилишига йўналтирилган инновацион ривожланиш фаолиятини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш етарлича очиб берилмаган.

Шу сабабли, инновацион ривожланиш шароитида қурилишни бошқариш сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини баҳолаш – жуда мураккаб вазифадир. Бироқ айниқса Янги Ўзбекистон ривожланиш шароитида ушбу муаммонинг ечими қабул қилинаётган бошқарув қарорлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунга қарамай, хорижий бошқарув механизмлари концепцияларини тўғридан-тўғри олиб кириш, маҳаллий қурилиш соҳасида шаклланган хусусиятларни ҳисобга олмаган ҳолда, сезиларли сиёсий самара бермайди.

Агар қурилиш сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсир механизми барқарор ривожланиш шароитида ўнлаб йиллар давомида шаклланган ва назарий тадқиқотлар билан қўллаб-қувватланган бўлса, инновацион иқтисодийёт шаклланаётган шароитда бу бошқарув механизми ўзига хос тараққиёт босқичидан ўтмоқда. Чунки уй-жойга бўлган миқдорлар конъюктурасининг барқарор эмаслиги бир хил, аммо ўзгарувчан статистик маълумотлар асосида назарий қарашларни чуқур таҳлил қилиш учун етарлича узоқ муддатли маълумотлар йўқлигига олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан, бошқарувнинг умумий фаолиятга ва, айниқса, қурилиш фирмаларига таъсир этувчи моделлар схемасини тузишга қилинган уринишлар билан бирга, қурилиш фирмалари учун устувор аҳамиятга эга бўлган, хусусан уй-жой қурилишига тааллуқли, айрим ўзаро боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларни таҳлил қилиш истиқболли ҳисобланади. Уй-жой қурилиши жамият учун ўта муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳадир.

Шунинг учун бошқарувнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятининг ҳақиқий табиати ва унинг қурилиш фирмасининг амалга ошираётган сиёсатга таъсирини очиб бера оладиган истиқболли илмий тадқиқот йўналишлари ўта муҳим ҳисобланади. Бу тадқиқотлар доирасида, айниқса, бошқарувни ижтимоий-иқтисодий категорияларни тартибга солиш тамойиллари билан боғлашга оид алоҳида боғлиқликларни (масалан, бошқарув ва ижтимоий фондлар, бошқарув ва иш ҳақи тизими, бошқарув ва нархлар сиёсати ва ҳ.к.) аниқлаш муҳимдир.

Бу эса кейинчалик амалиётда қўлланилиши мумкин бўлган, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни бошқариш ва тартибга солишда ишончли хизмат қилувчи, етарлича эгиликка эга қурилиш фирмаси бошқарув схемасини яратиш имконини беради[1].

Қурилиш фирмасининг бозор қийматини бошқаришнинг умумий тизимини яратиш – бу бошқарувнинг оқилона тузилмасини шакллантириш бўйича тартибга солинган ҳаракатлар жараёнини ифодалаши керак (1-расм).

Ушбу расмда қурилиш фирмаси бошқарув тизимининг ягона ахборот майдони асосида шакллантирилган рационал тузилмасини кўрсатади. Чизмада пул оқимларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш, бошқарув элементлари (шу жумладан, имтиёзлар ва субсидиялар), режалаштириш технологиясини ишлаб чиқиш каби асосий компонентлар кўрсатилган. Бу элементлар орқали фирма ривожланиш стратегияси ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурсларни тежашга қаратилган рағбатлантириш механизмлари юзага келади. Умуман олганда, тизим ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бошқарувни таъминлашга хизмат қилади.

1-расмдан кўриниб турибдики, бошқарувнинг ягона ахборот майдони билан таъминланганлиги, шунингдек, режалаштириш технологиясини белгилаш, пул маблағлари ҳаракати ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий бошқарув тизимини шакллантиришга оид барча жараёнлар қурилиш объектининг — хоҳ у турар жой бўлсин, хоҳ хўжалик фаолиятдан даромад келтирувчи иншоот бўлсин — қийматини оширишга ижобий таъсир кўрсатиш ғоясига бўйсундирилиши лозим. Бу борада қурилиш фирмасини самарали бошқариш муҳим рол ўйнайди.



1-расм. Қурилиш фирмаси учун умумий бошқарув тизимининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Рационал бошқарув тузилмасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига қўйиладиган устувор талаблар қуйидагилардан иборат:

- бошқарув иқтисодий стратегияни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлашнинг асосий шаклини ифодалайди, бу эса унинг бозор қийматини оширишга хизмат қилади;

- бошқарув элементлари (харажатларни бошқариш, фойдани бошқариш, меҳнат ресурсларини бошқариш, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга жамғармаларни бошқариш ва ҳоказо) қурилиш фирмасининг умумий бошқаруви таркибига киради ва шу билан бирга унинг таркибий қисмларининг (харажатлар, таннарх, тўлов турлари, даромад ёки фойда турлари ва бошқалар) ҳаракатини таъминлайди;

- барқарор характерга эга бўлган бошқарув ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли муносабатларнинг узлуксиз ва барқарор ўсишини таъминлашни талаб қилади.

Бу айниқса, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга, чунки бинолар, хусусан, уй-жой қурилиши сифатини таъминлашга қўйилган талаблар қурилишни бошқариш сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўрсатаётган таъсирни юмшатиш зарурати билан боғлиқ. Мазкур масалага тўхталар эканмиз, таъкидлаш лозимки, иқтисодчилар орасида қурилишни бошқариш сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қандай таъсир кўрсатиши борасида яқдил фикр мавжуд эмас. Шу муносабат билан қурилишни бошқариш сиёсатини амалга оширишда трансмиссион (ўтказувчи) механизмни баҳолаш масаласи долзарб ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, молиявий бошқарув тизими учта асосий тизимни ўзаро уйғун ҳолда бирлаштириши лозим:

режалаштириш, ҳисоб ва назорат,
рағбатлантириш (жумладан, солиқ имтиёзлари орқали),
тўлақонли бошқарув.

Бу тизим, ўз навбатида, оператив маълумотлар асосида қурилади, режа кўрсаткичларига таянади ва контроллингни амалга ошириш имконини беради. Контроллинг эса амалга оширилган натижаларни режалаштирилган (прогноз қилинган) кўрсаткичлар билан солиштириш, четланишларни аниқлаш ва таҳлил қилиш асосида ташкил этилади.

Иқтисодий адабиётларда қурилиш фирмаси бошқарувининг элементлари комплекс тарзда етарлича тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат аниқ ва самарали бошқарув чораларини ишлаб чиқишни мураккаблаштиради, айниқса бошқарувнинг барча элементларини ўзаро боғлиқликда қарамасдан. Хусусан, қурилиш фирмалари бошқаруви контекстида бу жиҳатлар ўз аксини тўлиқ топмаган[2].

Иқтисодий соҳада бошқарувни ўрганаётган тадқиқотчилар, асосан, унинг алоҳида элементларига, масалан, режалаштиришга эътибор қаратадилар. Бироқ бу режалаштириш таҳлили, амалда ресурслар оқими (келиб тушуви ва чиқими)ни тўлиқ ҳисобга олмайди. Ҳолбуки, такомиллашган ёндашув норматив меъёрларга асосланиши лозим. Айнан шу меъёрий кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги режалаштиришни бошқариш жараёнини тўлиқ шакллантиришга тўсқинлик қилади.

Иқтисодий нашрларнинг айримларида режалаштириш (прогнозлаш)ни бошқариш алоҳида масала сифатида кўриб чиқилади. Кўп ҳолларда бошқарув бирламчи иқтисодий категория, режалаштириш эса иккиламчи деб ҳисобланади. Бу қараш шундай асосланадики: агар бозор шароитида режалаштиришга суянса, у ҳолда бу хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларга, жумладан, қурилиш фирмаларига маъмурий босимни кучайтиришга олиб келиши мумкин.

Бироқ бизнинг ёндашувимизда, айниқса, қурилиш соҳасида, бошқарув элементларини ягона индивидуал майдонда ўзаро боғлиқ ҳолда таъминлаш муҳим ҳисобланади[3]. Бунинг учун бошқарув ва режалаштириш (прогнозлаш) технологияларига таяниш зарур (1-расмга қаранг).

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қурилиш фирмасидаги молиявий бошқарув тизими ўзини бир вақтнинг ўзида қуйидаги элементлар орқали намоён этиши лозим:

ташкилий тузилма – бошқарувнинг институционал асосини белгилайди;

пул оқимлари тузилмаси – молиявий ҳаракатларни бошқаришнинг асосий механизмини шакллантиради;

логистика – ресурсларнинг самарали ҳаракатланишини таъминлайди;

бюджетлаштириш – харажат ва даромадларни аниқ режалаштириш ҳамда назорат қилишни таъминлайди.

Бу элементлар ўзаро интеграцияланган ҳолда бошқарув тизимининг функционал самарадорлигини оширади ва қурилиш фирмаси фаолиятини барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш соҳасидаги самарали молиявий бошқаруви асосида:

- мижоз манфаатларини эътиборга олган ҳолда, норматив-ҳуқуқий асосларга суянган ҳолда амалга оширилади;

- молиявий ва ресурс салоҳиятини самарали бошқариш орқали бозорда рақобатбардошлик таъминланади;

- аҳоли учун ижтимоий кафолатлар, суғурта ва қимматли қоғозлар механизмлари орқали молиявий барқарорлик таъминланади.

Бошқарувнинг ушбу йўналишлари инновацион ёндашув ва ижтимоий йўналтирилган стратегия орқали аҳоли уй-жой муаммосини самарали ҳал қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Котлер Ф., Келлер К. *Маркетинг менеджмент*. – СПб.: Питер, 2012. – 816 с.
2. Winch G. *Managing Construction Projects*. – Oxford: Wiley-Blackwell, 2010. – 384 p.
3. Diyarova M., Zaynalov J. *The basis of modeling and stimulation of construction objects development //AIP Conference Proceedings*. – AIP Publishing LLC, 2024. – Т. 3244. – №. 1. – С. 040016.
4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 январдаги ПФ-11-сон “Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.*
5. Бердиева Д.А. *Уй-жой фонди молиявий бошқаруви механизми самарадорлигини ошириш мавзусида и.ф.б.фал.док.диссертацияси автореферати. 2021 й. -56 б.*